

Бошланиши ёмон эмас

Футбол бүйича вилюят чемпионатига ҳам старт берилди. Туманимиз шарафини "Ёзёвон лочинлари" ҳимоя қылмоқда. Футболчиларимиз дастлабки турни сафарда ФарДУ жамоасига карши утказиб, 4-4 ҳисобидаги дуранг натижка қайд этган әдилар.

Футбол мавсумининг очилиш маросимиға Ёзёвон футболи тараққиётига муносиб ҳисса қўшган фахрий ўйинчиларни ҳам таклиф қилишди. Футболчиларимизнинг 2-турдаги рақиблари Бешариқнинг "Рапқончи" жамоаси бўлди. Ўйиндан олдин ўйингоҳимизда жорий йилдаги 2-лига жамоалари ўртасидаги футбол мавсумининг очилиш маросими ўтказилди. Очилиш маросимида туманимиз ҳокими Д. Джалилов Езевон футболи, унинг тараққиёти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, футбол мавсумини очив, деб эълон қилди. Республика миқёсида Бекободда ўтказилган 2009 йилда туғилган ёш футболчилар турнирида Ёзёвон футбол мактаби тарбияланувчилари фахрли 1-ўринни эгаллашди. Туман сектор раҳбарлари ғолибларга кубок ва медалларни топширдилар. Ўйин бошланди. 1-бўлим асосан тенг курашлар остида ўтди. Гоҳ у жамоа, гоҳ бу жамоа хавфли вазиятлар хосил қилишди, лекин зарбаларда аниқлик етишмади. 25-дақиқага келиб, Шаҳбоз Абдураҳмонов рақиб дарвозабонини доғда қолдириб, ҳисобни очди. 1-бўлимда бошқа гол киритилмади. Футболчиларимиз 1-0 ҳисобидаги ғалаба билан танаффусга чиқдилар. 2- бўлим янада шиддатли тус олди. Меҳмонлар ҳисобни тенгглаштириш учун ҳаракат қилишган бўлса, майдон эгалари эса ғалабани мустаҳкамлаш учун жон куйдирдилар. Бу ўз натижасини берди. 2- тўпни меҳмонлар дарвозасига иқтидорли ўйинчимиз Зоҳид Исмоилов аниқ йўллади. 65-дақиқага еелиб, ҳисоб йирик кўриниш олди. 3-гол муаллифи яна бир иқтидор эгаси Мақсадбек Ибрагимов ҳисобига ёзилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай 4-туп меҳмонлар жамоаси туридан жой олди. Тўпни дарвозага Шаҳбоз Абдураҳмонов киритиб, дублга эришди. Бу ыали ҳаммаси эмас эди. Ўйин шиддати янада ошиб борарди. Хужумларнинг бирида Жўрабек Жўраев ҳам дарвозани забт этиб, ҳисобни 5-0 кўринишига келтирган бўлса, 6-тўп муаллифи ҳам унинг ўзи бўлди. Ўйин якунига яқинлашган паллада Зоҳид Исмоилов ҳам дубль қайд этиб, ўйиннинг 7-0 ҳисобида якунланишини таъминлади. Шундай қилиб, футбольчиларимиз 7-0 ҳисоби билан ғалабага эришдилар.

Кейинги учрашувларда ҳам ўйинчиларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Муҳаммаджон Мадисаев.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-07-08 11:18:23